

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 24 сентябрь, № 185 (6115) Чоршанба


МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Навоий шаҳрида лойиҳа қиймати 10 миллиард 498 миллион сўмлик “Navbahor tekstil” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Таъсисчилар калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга йўналтиришни мўлжаллашмоқда.*

## Асосий қисми экспортга йўналтирилади

— Юртимизда тўқимачилик саноати тармоқлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали пахта хом ашёсини қайта ишлашни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона раҳбари Шерзод Жумаев. — Натижада бундай ишлаб чиқариш субъектлари сони йилдан-йилга кўпайиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми ҳам муттасил ортиб бораётир. Бизнинг корхонамизни ҳам ана шу ислоҳотлар меваси, дейиш мумкин.

Корхонага Швейцариядан энг сўнгги русумдаги технологик линия келтириб ўрнатилди. Натижада йилига 5 минг 400 тонна пахтани қайта ишлаш имконияти ҳамда 178 та иш ўрни яратилди. Жамоа аъзолари жорий йилда 1 миллиард 300 миллион сўмлик калава ип тайёрлашни мақсад қилган. Шу кунгача эса 487 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Интернет орқали давлат рўйхатидан ўтказилди

*Поп туманининг Чоркесар қишлоғида яшовчи Аслиддин Йўлдошевга ўзининг тикувчиликка ихтисослаштирилган оилавий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун икки иш куни кифоя қилди.*

Мазкур жараёнда тадбиркор туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида йўлга қўйилган интерфаол хизматдан фойдаланди. Унинг интернет орқали берган аризасини атрофлича ўрганиб чиққан инспекция ходимлари электрон хизмат орқали ижобий жавоб қайтардилар. Ҳозирги кунда оилавий корхонада саккиз киши истеъмол бозори учун юқори сифатли кийим-кечаклар тайёрлаш билан банд.

Эндиликда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқаролар, шунингдек, юридик шахсларнинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтишда интерфаол хизматдан кенг фойдаланишаяпти. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида туманда 71 субъект, жумладан, учта масъулияти чекланган жамияти ва 68 та якка тартибдаги тадбиркор интернет орқали рўйхатдан ўтди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Битирувчининг изланиши натижа берди

*Андижон туманилик Абдуллажон Маматқулов республикада биринчи бўлиб кафель кошинларига гул босиш технологиясини ўзлаштирмоқда.*

Коллежни битирган бу йигит компьютер графикаси билан шуғулланади. Турли қаттиқ жисмларга, жумладан, кафель кошинларига компьютер ёрдамида гул босиш бўйича изланишлар олиб боради. У яқинда хориждан ана шундай технологияни олиб келди.

Қатор босқичдан иборат мазкур жараён кошинларни қайта ишлаб, уларга хоҳлаган ўлчамда, исталган кўринишда, турли рангларда безак бериш имконини яратади. Бунда материалнинг намликка бардошлилик хусусияти ҳам ортади.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йил биринчи ярмида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан биржа савдоларида сотилган маҳсулотлар ҳажми**

**1,9 баробар ошди.**

Қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйиш, айниқса, кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини сотишнинг замонавий бозор механизмларини фаол жорий этиш бўйича кўрилган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ



*Пойтахтимиздаги “Zenith Electronics” корхонаси LED русумидаги телевизорларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу йирик лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастури доирасида “Zenith Electronics” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics Co.,LTD” компанияси ҳамкорлигида муваффақиятли амалга оширилди.*

*Кеча “Zenith Electronics” корхонасида шу муносабат билан тадбир бўлиб ўтди.*

ҲАМКОРЛИК

Унда сўзга чиққан “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Ж. Исмоилов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноатни ривожлантириш, унинг юқори технологияли тармоқларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Айниқса, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилиб, чет эллик инвесторларга кўплаб имтиёзлар тақдим этилаётгани истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли рўёбга чиқариш имконини бераяпти. Натижада ҳар йили кўплаб турдаги янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор юқори сифатли ва арзон товарлар билан тўлдирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида электр духовка, газ ва электр плиталари, кондиционер, маиший электр асбоблари сингари ўнлаб турдаги маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди. Шунинг ҳисобидан ички бозорга умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик янги маҳсулотлар етказиб берилиб, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 504,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

“Zenith Electronics”да янги авлод телевизорларининг ишлаб чиқарилаётгани эса электроника саноатимиздаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

— “Samsung Electronics Co.,LTD” компанияси билан ҳамкорликда жуда қисқа вақт ичида янги технологияни ишга тушириб, юқори сифатли LED телевизорлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик, — дейди “Zenith Electronics” корхонаси бош директори Фарид Абдршин. — Бу корхонамиз фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий қилиш борасидаги навбатдаги муҳим қадамдир. Қувонарлиси, ҳозирнинг ўзида маҳаллийлаштириш кўлами 35 фоизга етказилди. Яқин йиллар ичида уни 50 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

(Давоми 2-бетда).

## АКТнинг жамият равнақидаги ўрни

*Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда республикамизда “InfoCOM — 2014” — ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги давом этмоқда. Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида ушбу тадбир доирасида АКТ бўйича саммит бўлиб ўтди.*

INFOCOM — 2014

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мазкур нуфузли анжуманга ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатувчи маҳаллий ва хорижлик мутахассислар, шунингдек, халқаро экспертларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Чунки бу ерда жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ҳозирги аҳволи, ушбу соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, янгиликлар, умуман, бугунги ахборотлашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари атрофлича муҳокама қилинади. Шу билан бирга, мазкур тадбир унда қатнашувчи компания ва ташкилотларга ҳам янгидан-янги ишончли ҳамкорлар орттириш имконини бермоқда.

Анжуманда мамлакатимиздан ташқари, АҚШ, Корея Республикаси, Эстония, Беларусь, Голландия, Чехия ва бошқа бир қатор давлатлардан жами 600 нафарга яқин вакиллар қатнашди. Шунингдек, бу йилги Саммитда LG, Microsoft, SAP, Softline International каби соҳанинг етакчи компаниялари ҳудудий раҳбарлари, БМТнинг электрон ҳукуматни жорий қилиш бўйича мутахассислари, Жанубий Кореянинг Интернет хавфсизлиги бўйича агентлиги — KISA сингари нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, етакчи мутахассислар иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «MIT.UZ» — холис ахборот муҳити сари

*Кеча “Туркистон” саройида “MIT.uz” миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

*Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, танлов ғолиблари, олий ўқув юртлари талаба-ёшлари, фаол, ташаббускор, АКТ соҳасида катта ютуқ ҳамда натижаларни қўлга киритган йигит-қизлар қатнашди.*

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур миллий интернет танлови глобаллашув шароитида ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ҳамда юртимиздаги ислоҳотларни интернет тармоғида кенг ёритишда ёш авлод иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маросимда таъкидланганидек, “MIT.uz” танлови мамлакатимизда ижобий мазмундаги сифатли интернет-ресурсларини яратиш, оммалаштириш, таълим-тарбияга хизмат қилувчи, ахборот маданияти ва хавфсиз интернет муҳитига эга ахборотлашган жамиятни шакллантиришга ҳисса қўшиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, навқирон веб-дизайнер ҳамда дастурчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг кейинги фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш, интернетнинг ёшлар учун мўлжалланган сегментини кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган.

— Ушбу танловни ёшлар орасида кенг оммалаштириш мақсадида “Камолот” ЁИҲ томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди, — дейди мазкур ташкилот раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Жумладан, 50 дан ортиқ олий таълим муассасаларида дастурчилар, веб-дизайнерлар, интернет сайтлари муаллифлари, тармоқ администраторлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВРА СУҲБАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш: суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналиши” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Қонунчиликни такомиллаштириш — устувор вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Олий суд ва Конституциявий суд судьялари, парламент аъзолари, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Адлия вазирлиги, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Тошкент давлат юридик университети вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, суд қонунчилиги, шу жумладан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларини шакллантириш йўналишида тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу борада Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Концепция талаблари бўйича қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун асосида бир қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилди, — дейди Тадқиқот маркази бош консультанти Сарвар Махаммадиев. — Лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг суд тартиби,

(Давоми 2-бетда).




## Буюк келажакнинг мустаҳкам пойдевори

Озод ва обод Ватанимиз жаҳонда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб эътироф этилган ҳаётбахш ривожланиш йўлидан буюк келажак сари дадил бормоқда. Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда эришилаётган ютуқ ва марраларнинг асоси, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканлигидир.

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маиший техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Zenith Electronics" корхонасига асос солинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ — эндигина 10 йил тўлди. Лекин шу давр ичида у ўзининг сифатли маҳсулотлари билан ички бозорда мустаҳкам ўрнини топа олди. Бунга Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрланаётган кир ювиш машиналари ва кондиционерларга бўлган талаб тобора ортиб бораётгани ёрқин далил бўла олади. Халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган янги маҳсулот — LED телевизорлари эса жамият жамоасининг юртдошларимизга навбатдаги туҳфасидир.

Ушбу йирик лойиҳа рўёби учун 2,9 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Бунинг эвазига хорижнинг энг замонавий ускуналари келтирилиб ўрнатилди. Ва жуда қисқа фурсат ичида дастлабки маҳсулот — 32 дюмли замонавий телевизорлар ишлаб чиқарилди.

Йиғув цехи бошлиғи Равшан Қаюмовнинг айтишича, айни пайтда телевизорнинг асосий платаси, олд ва орқа панеллари, фиксатор, шнур, таглик каби қисмлари шу ерда тайёрланмоқда. Келгусида қолган қисмларни ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, моделларни кўпайтириш, маҳсулот ҳажмини муттасил ошириб бориш мўлжалланмоқда. Айтайлик, 2015 йилда харидорларга 10 мингта телевизор етказиб берилса, 2017 йилга бориб, бу кўрсаткич 75 мингтани ташкил қилади.

— Бу "Zenith Electronics" корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширган дастлабки лойиҳамиз эмас, — дейди "Samsung Electronics Co.,LTD" компаниясининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича директори Сеёнг Сик Чой. — Бундан уч йил муқаддам биргаликда кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Янги лойиҳа ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб, юқори босқичга олиб чиқди. Ўйлаймизки, бу лойиҳамиз ҳам аввалгисидек муваффақиятли бўлади. Чунки ўтган давр мобайнида юртингизда саноатни ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётганига, чет эллик инвесторлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганига ўз фаолиятимиз мисолида тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Samsung Electronics Co.,LTD" компанияси телекоммуникация ва рақамли жиҳозлар ишлаб чиқариш жабҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланади. Унинг 80 дан ортиқ мамлакатда 220 га яқин офислари бўлиб, йиллик савдо ҳажми 216,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу рақамнинг ўзиёқ компаниянинг нуфузи нечоғли юқори, маҳсулотларига бўлган талаб қанчалик катталигини кўрсатиб турибди.

Мутахассислар LED телевизорларини ишлаб чиқариш жараёнида нафақат унинг сифати, балки ташқи кўринишига ҳам жиддий эътибор қаратдилар. Натижада унинг нозик дидли харидорлар талабига жавоб берадиган бежирим дизайни яратилди. Ҳар томонлама қулай, юқори сифатли бу телевизорлар жадал ривожланаётган Ўзбекистон саноатининг яна бир ёрқин намунаси сифатида тез орада бозорлардан мустаҳкам жой эгаллаши, шубҳасиздир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АКТнинг жамият равнақидаги ўрни

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон ва Корея Республикасининг АКТ соҳасидаги ҳамкорлигидан икки давлат вакиллари бирдек манфаатдордир, — дейди биз билан суҳбатда Корея Республикасининг LG CNS президенти Ким Дэ Хун. — Чунки бу борадаги алоқалар соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишлари, биргаликда янги ишланмаларни ҳаётга татбиқ қилишлари, қисқача айтганда, тараққиётнинг юксак марраларини забт этишлари учун хизмат қилади.

Саммит иш кунида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва бунинг натижасида эришилаётган ютуқлар иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Жумладан, анжуманда таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қатор ҳужжатлар ва улар ижросини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу соҳани тараққий топтириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар юртимиз иқтисодиётининг юксалишида, аҳоли турмуши ва меҳнат фаолиятини техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозлашда, жаҳонда кечаётган жараёнларга республикамизнинг муваффақиятли интеграциялашувида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг ролини ошириш имконини бериши айтиб ўтилди.

Бу йилги саммитда учта асосий йўналиш бўйича маърузалар тақдим этилди. Булар "Давлат секторида АКТ", "Бизнесда АКТ" ҳамда "Интернет ва ахборот ресурслари" мавзуларидан иборат бўлди. Унинг доирасида электрон тижорат, ахборот хавфсизлиги, инфратузилмани ривожлантириш, интернет таълими каби масалалар муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, мазкур саммитда, шунингдек, Ўзбекистонда АКТ соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, электрон ҳужжат алмашиниш тизимларини ривожлантириш, стандартлаш, эркин ва очиқ дастурий таъминот технологияларини тараққий эттиришга оид кўплаб масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Тадбир якунида иштирокчилар томонидан саммит резолюцияси қабул қилинди.

# «MIT.UZ» — холис ахборот муҳити сари



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилган ёшлар фестиваллари доирасида "Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!" шиори остидаги миллий интернет танловининг 200 га яқин тарғибот акцияларида йигит-қизлар фаол қатнашгани бизни қувонтиради.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган мингдан зиёд навқирон авлод вакиллари иштирок этди. "UZ" домени веб-ресурсларидан ташқари, хорижий доменларда жойлаштирилган сайтлар ҳам намойиш қилинди.

Тақдим этилган ижодий ишларнинг 300 га яқини веб-сайтлардир. Эътиборга молик жиҳати шундаки, уларнинг 80 фоизи олий таълим муассасалари талабалари томонидан яратилган бўлиб, веб-ишланма ва дастурий таъминотларнинг 60 фоизидан зиёдини жорий йилда ишга туширилган сайтлар ташкил этди.

Миллий интернет танловида ижодий ишларнинг энг яхшилари ўнта асосий ҳамда тўртта қўшимча номинация бўйича танлаб олинди. Жумладан, "Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирадиган энг яхши сайт", "Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг энг яхши фотосурати", "Ўзбек мумтоз шеърияти ва адабиётини тарғиб қилувчи ва ёшлар иштирокида тайёрланган энг яхши ролик", "Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт", "Энг яхши янгиликлар сайти", "Фойдаланувчилар фикри бўйича энг яхши сайт" ва бошқа номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди.

Тадбирда танлов совриндорларининг сайтлари соҳавий йўналишидан келиб чиқиб, тегишли давлат ташкилотларига бириктирилган ҳолда қўллаб-қувватланиши ва ривожлантирилиши белгиланди.

Шунингдек, тақдирлаш маросимида танловнинг фото йўналиши иштирокчилари ҳамда ғолибларининг юзга яқин энг сара ижодий ишлари, ёш дастурчиларнинг энг яхши веб-ишланма ва дастурий таъминотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир якунида миллий интернет танлови ғолибларига диплом ҳамда совғалар топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАНЛОВ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бозорларимиз ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланмоқда. Бунда Президентимизнинг "Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, айниқса, муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.*

# Бозорлар — фаровонлик кўзгуси

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини акс эттирувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий марказ ҳисобланмиш бозорлар фаолиятини яхшилаш, уларда нарх-навонинг асоссиз оширилишини олдини олиш, сифатли маҳсулотлар билан савдо қилинишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий услубда қурилган бозорларда сотувчию харидорлар учун барча шарт-шароит яратилиб, улар нафақат аҳолига хизмат кўрсатиши, балки озодалиги ва кўркамлиги билан ҳам кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Маълумки, бир неча йиллардан буён Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимиз бозорлари ўртасида "Энг намунали деҳқон бозори" кўрик-танловини ўтказиб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса бозорларда сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш, ўзаро муносабатларни яхшилаш, муомала маданиятини юксалтириш, тозаликка риоя қилиш каби жараёнлар устидан жамоат назоратини ўрнатишдир.

Кеча жорий йилги кўрик-танлов сарҳисобига бағишланган тадбирда сўз олганлар ҳам мазкур танлов аҳоли турмушини янада яхшилаш баробарида, ҳудудлар ободлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлашди.

Бу йил ишчи гуруҳи томонидан "Тошбозорсавдо" уюшмаси тасарруфидаги 20 та бозор фаолияти ўрганилди. Бунда асосий эътибор сотувчиларнинг кийиниш ва муомала маданияти, радиоузель фаолиятининг ташкил этилиши, бозорлар расталарининг санитар-гигиеник ҳолати, умуман, ободонлаштириш ишларига қаратилди.

Якунда эса "Авиасозлар деҳқон бозори", "Қорақамиш деҳқон бозори", "Аския деҳқон бозори" акциядорлик жамиятлари мос равишда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

— Айни пайтда бозоримизда икки минг икки юзта савдо ўрни мавжуд, — дейди "Авиасозлар деҳқон бозори" акциядорлик жамияти раиси Алишер Қодиров. — Айниқса, "Элга хизмат" МЧЖ томонидан кўрсатилаётган хизматлардан аҳоли жуда мамнун. Чунки бу ерда терминал, касса аппаратлари ўрнатилган, нархлар эса чўнтакбоп. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан шуғулланувчи учта секторимиз ҳам харидорларга қулайлик яратаяпти. Уларни узлуксиз равишда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларидаги бир қанча фермерлар билан ҳамкорлик ўрнатганимиз айни муддао бўлаётир.

Тадбир якунида ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонунчиликни такомиллаштириш — устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқини чиқариш, ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш шулар жумласидандир. Муҳими, мазкур янгиликлар суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллашни янада кенгайтириш, суднинг асосий вазифаларини бажаришни таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини амалга ошириш имконини бераяпти.

Тадбирда яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Хусусан, мазкур Қонун билан Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллаши қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича Концепцияда илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш, жиноий жавобгарлик борасидаги қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ҳам мулоҳазалар билдиришди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда Молиявий чоралар бўйича мақсадли ҳукуматлараро гуруҳ (ФАТФ)нинг янги тавсияларида кўрсатилган жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий хавфларни баҳолаш мавзуида халқаро семинар ўтказилди.*

СЕМИНАР

Ушбу семинарда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг вакиллари ҳамда молиявий разведка соҳасида юқори тажрибага эга бўлган бир нечта хорижий давлатлар халқаро экспертлари билан бир қаторда, республикамиздаги тегишли вазирлик ва мутасадди идоралар мутахассислари иштирок этдилар.

Семинар жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги миллий таҳдидларни баҳолашда ФАТФнинг янги тавсияларида кўрсатилган чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш борасида ўзаро тажриба ва фикр алмашиш мақсадида ташкил қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қатор вазифалар юклатилди.

Департамент жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ахборот айирбошлаш соҳасида хорижий давлатлар ваколатли органлари ҳамда ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 майдаги фармойиши билан тузилган идоралараро комиссия томонидан мамлакатимизда ФАТФнинг тавсияларини ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Жумладан, Базель бошқарув институтининг рейтингида Италия, Испания, Канада, Жанубий Корея ва АҚШ давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам муносиб ўринга эга бўлиб, юртимиз жиноий даромадларни легаллаштириш хавфи паст мамлакатлар сирасига киради.

Халқаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири, бу — жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларга асосланган миллий тизимини шакллантириш ҳамда мазкур жиноятларга қарши курашиш жараёнида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдир.

Тадбирда қайд этилганидек, жиноятчилик фаолиятида янги усуллар ва замонавий технологияларнинг қўлланилиши жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига жалб қилинган мутахассислардан жиноятларни содир этиш услубларини чуқур ўрганиш асосида бу қилмишларга қарши курашиш чораларини доимо такомиллаштириб боришни ҳамда мамлакат иқтисодиётини ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилишни талаб этади.

Халқаро семинарда тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Бош прокуратура**
**Матбуот хизмати.**

ИНТИЛИШ

*Қўнғиротлик тадбиркор Бахтиёр Аллантаев саъй-ҳаракати билан "Жайҳун Аҳмад" масъулияти чекланган жамияти қошида силикат ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона фаолияти йўлга қўйилди.*

# Маҳаллий хом ашёдан қурилишбоп маҳсулот

123 миллион сўмлик сармоя эвазига бу ерга хорижнинг замонавий технологияси келтириб ўрнатилди.

— Ушбу йўналишда фаолият бошлаганимиз бежиз эмас, — дейди Б. Аллантаев. — Маълумки, силикат ғишт таркиби, асосан, қум ва цементдан иборат. Бу унинг ўта мустаҳкамлигини таъминлайди. Қум эса ҳудудимизда сероб. Қолаверса, унда ғоваклар мавжуд. Табиийки, бу бино деворлари мустаҳкамлигини ошириб, хоналарда ҳарорат мўътадиллигини таъминлайди. Технологиямиз қуввати йилига 3 миллион донагача ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Бойсун туманидаги "Жийдали Бойсун" масъулияти чекланган жамияти жамоаси фермер хўжаликлари учун пластмасса идишлар етказиб бериш кўламини икки баробар оширди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Сўнгги ўн йил ичида биринчи марта Буюк Британиядаги йирик чакана савдо тармоғи "Tesco"нинг қимматли қоғозлари қиймати Лондон биржасида 12 фоиз тушиб кетди.*

## Текширув натижасида хато аниқланди



Бунга компания ўз даромади ҳақидаги маълумотни нотўғри эълон қилгани сабаб бўлган. Аниқланишича, муассаса жорий йил биринчи ярмида хато туфайли ўз даромадини 317 миллион еврога кўпайтириб, эълон қилиб юборган. Аслида маблағ тушуми бу миқдорни ташкил этмаган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, уч ҳафта аввал ушбу компанияда раҳбар алмашган эди. Ўшанда янги тайинланган етакчи Дейв Льюис аудиторлик текширув ўтказилишини билдирганди.

## Фалокат сабаби номаълум

*Хитойнинг Хунань музофотидаги петарзалар ишлаб чиқарувчи корхонада портлаш юз берди.*



Бунинг оқибатида ўн икки киши ҳаётдан кўз юмиб, яна ўттиз уч нафар одам тан жароҳати олган. Улардан тўрт нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

Манбада фалокат сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ. Ҳуқуқ-тартибот идоралари воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб бормоқда.

## Зарар кўрмоқда

*"Air France-KLM" (Франция/Нидерландия) авиакомпанияси учувчилари томонидан ташкил этилган иш ташлашлар сабабли муассаса кўраётган иқтисодий зарар миқдори ошиб бормоқда.*




Компания раҳбари Александр де Жуньяк иш ташлашлар бошланган 15 сентябрда "Air France-KLM" кунига 10-15 миллион евро миқдорида маблағ йўқотаётгани ҳақида маълум қилган эди. Айни пайтга келиб бу миқдор 20 миллион еврога етган. Шу тариқа иш ташлашлар бошлангандан бери мазкур компания 100 миллиондан ортиқ молиявий зарар кўрган. Иш ташлашлар эса ҳамон давом этмоқда.

"Air France-KLM"нинг ушбу муаммоси темир йўл хизматига анча қўл келган. Хусусан, Франциянинг "SNCF" темир йўл компанияси сўнгги бир ҳафтада чипталар сотувини уч фоиз оширишга муваффақ бўлди.

## 500 килограммли автомобиль

*АҚШлик талабалар томонидан яратилган электр қуввати билан ҳаракатланувчи "Electric Blue" автомобили шу турдаги машиналар ўртасида жаҳон рекордини янгилади.*



Гап шундаки, ушбу автоулов АҚШнинг Юта штатида бўлиб ўтган чемпионатда соатига 329,75 километр тезлик билан ҳаракатланиб, мусобақада иштирок этган 180 дан ортиқ электромобилни ортда қолдирган.

Мазкур автомобиль Бригам Янг университетининг 130 нафар талабаси томонидан яратилган. У цилиндр шаклида ишланган бўлиб, шамол қаршилигини осон енгиш учун ғилдираклари корпус остида жойлаштирилган. Машинанинг оғирлиги 500 килограмм.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, бундан аввалги рекорд ҳам 2011 йилда айнан шу электромобиль томонидан ўрнатилган. Ўшанда "Electric Blue" соатига 250 километр тезлик билан ҳаракатланган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**2015 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**05.02.01** — Машинасозликда материалшунослик — 1 ўрин.
**05.22.05** — Ғилдиракли ва гусеницали машиналар — 4 ўрин.
**05.23.06** — Автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилиши — 1 ўрин.

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

— ариза;
— сўровнома;
— тиббий маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратура диплоси, фан номзоди диплоси ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ҳамда илмий-амалий конференция, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқишга талабгорлар белгиланган ҳужжатлар билан бирга, илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатни аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхасини тақдим этадилар.

Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинадилар.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, 6-хона.
Телефон: (8-371) 232-15-34.**

1525А/772

**"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**




**МАВЖУД ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ:**
- ҚУВУР ЁТҚИЗГИЧ "PipeLineMan PMGY-70";
- АВТОБЕТОН АРАЛАШТИРГИЧ "HOWO" (ҲАЖМИ 8 м³).

**ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ТЕБРАТКИЧЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.




Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.
**Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-"А" уй.**
www.qurilish-lizing.uz
E-mail: kurilish2003@mail.ru
Маҳсулотлар сертификатланган




1120R/1161

**Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04**

Хоразм томонларда

***Урганч шаҳридаги инқирозга учраган "Хоразм Нуртоп" қўшма корхонаси негизида "URG TEX" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.***

## Банкротликдан — барқарорликка

Бу ерда Миллий банкнинг 4 миллиард сўмликдан ортиқ инвестицияси ҳисобига энг замонавий технология асосида пахта толасидан сифатли калава ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Эътиборлиси, мазкур корхонага ўрнатилган илғор ускуналар энергия тежамкорлиги, хом ашёдан олинадиган маҳсулот миқдори ва сифатини ошириши ҳамда камчиқитлилиги билан ажралиб туради.

— Мамлакатимизда маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона раҳбари Султонбек Оллаберганов. — Биз ҳам ана шу мақсадда фаолият бошладик. Ҳозир бу ерда йилига 3 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 2 минг 500 тонна калава ип тайёрлаш имкониятига эгамиз. 87 нафар киши доимий иш билан банд. Яқинда 26 нафар коллеж битирувчиси жамоамиз сафига қабул қилинди, шу кунларда улар қаторига яна 20 нафар ёш мутахассис қўшилиши кўзда тутилмоқда. Йил охиригача 150 тонна, яъни 420 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

## Янгиободда янги спорт мажмуаси

***Янгиариқ туманидаги Янгиобод маҳалласида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 1 миллиард 480 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан бунёд этилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.***

Спортсевар ёшларга аталган ушбу туҳфани "Хоразм Диёр Макс сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ҳозирлашди.

Айни пайтда бу ерда 280 нафардан ортиқ ўғил-қизнинг 7 та спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Айниқса, мажмуадаги сунъий қопламали футбол майдони ёш чарм тўп ишқибозларига ажойиб совға бўлди.

**Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 30 сентябрдаги 19-1306/8038-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Сўфи Оллоҳёр кўчаси, 34-«В» уйда жойлашган, «Ангор Бунёд-таъмир» МЧЖга тегишли, умумий майдони 3043,25 кв.м. бўлган, 2 қаватли жинлаш цехи биноси (ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 30 апрелдаги 19-1403/2337-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шоҳкўчаси, Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозорининг шимолий қисми ҳудудида жойлашган, «Termiz-limon-global-savdo» МЧЖга тегишли, умумий майдони 80,19 кв.м. бўлган, 2009 йилда қурилган, А литердаги савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 60 730 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 майдаги 1-70, 1-78 ва 1-41-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Шифокор кўчасида жойлашган, умумий майдони 25,85 кв.м. бўлган, 2009 йилда қурилган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 967 200 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 24 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1540А/1453

Хизматлар лицензияланган.

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2014 йил 28 октябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 15 июлдаги 10-1308/8796-сонли ва 2014 йил 24 январдаги 10-1406/21558-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 6/97-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- 1 дона диван-кресло тўплами, бошланғич баҳоси — 500 000 сўм.
- 1 дона компьютер столи, бошланғич баҳоси — 357 500 сўм.
- 1 дона шкаф (файл учун, 3 табақали), бошланғич баҳоси — 196 950 сўм.
- 2 дона шкаф (кийим учун, 3 табақали), ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 385 000 сўмдан.
- 1 дона раҳбар столи (тўплам), бошланғич баҳоси — 370 500 сўм.
- 1 дона ёзиш столи, бошланғич баҳоси — 124 150 сўм.
- 7 дона офис стули, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 42 250 сўмдан.

Юқоридаги мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш — 2014 йил 27 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги хақида тўлов ҳужжати.

Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

1538А/165

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (8-371) 236-74-67.**

Гувоҳнома № 004059.

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 24 майдаги СБ84/12-сонли ҳамда 2013 йил 26 декабрдаги 10-1312/19444-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4679,0 кв.м., умумий майдони 2420,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1347,83 кв.м. бўлган, бешта бино ва тўртта иншоотдан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 074 813 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1541А/562

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

"Ўзқишлоқэлектрқурилиш" АЖ жамоаси бош директор Ҳошим Каимовга волидаи муҳтарамаси **Ҳалима ая ҲАЗРАТҚУЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобот йилининг 15 октябригача тўлаш белгиланган бўлиб, уни ўз вақтида амалга оширмаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилади.



## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

*Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Тўрақўрғонда бўлиб ўтган август кенгашида 24-умумтаълим мактаби туман халқ таълими муассасалари фаолиятининг методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан энг юқори рейтингга эришган таълим маскани сифатида эътироф этилди.*

# Ўқитишнинг замонавий услублари

### дарслар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

Тадбирдан сўнг ҳар томондан қутловлар ёғилди.

— Анваржон, тўрт йилдан бери илғорликни қўлдан бермай келасизлар, бунинг сири нимада? — мазкур таълим даргоҳи директоридан қизиқиб сўрашди ҳамкасблари.

— Бунда сир нима қилсин?! — деди Анваржон Эгамбердиев. — Ҳамма гап жамоамизнинг аҳиллиги, изланувчанлиги ва меҳнатсеварлигида. Яхшиси, мактабимизга бир ўтинглар, фикрлашамиз, тажриба алмашамиз.

Бизнинг ҳам қизиқишимиз ортиб, ўша даргоҳга боргимиз келди. Мана, уста боғбону соҳибкорлари билан танилган Ахси қишлоғи. Қайси хонадонга мўраласангиз, шохлари ҳосилдан ларзон дарахтларга, пушталарга дид билан экилган сабзавотларга кўзингиз тушади. Бирор қарич бўш ер йўқ. Шундай оқилу саришта оилаларнинг 656 нафар фарзанди мазкур мактабда сабоқ олади. Муассаса биноси кўркам. Айниқса, 2004 йилда Осиё тараққиёт банкининг 35 миллион сўмлик гранти қўлга киритилгани ҳамда бунга қўшимча маҳалланинг ёрдами билан таъмирдан чиққанидан сўнг янаям чирой очди. Ўқитиш имкониятлари ҳам шунга яраша яхшиланди. Жумладан, 33 та синфхона, ахборот-ресурс маркази, 2 та кластер синфи, информатика ва маънавият хоналари Халқ таълими вазирлиги томонидан зарур кўргазмали воситалар, бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Ўтган йили "Энг обод таълим муассасаси" кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичида иштирок этди. Бу йил эса Республика таълим маркази тавсиясига кўра, тумандаги 5 та мактаб қатори "Тажриба-синов мактаби" деб эълон қилинди.

Муассаса обрў-эътибори, энг аввало, илғор педагоглар билан баланд. Бошланғич таълим ўқитувчиси Марғуба Ниёзованинг "Ўрган — ўргат" тадбирлар мажмуаси асосида аълочи ва бўш ўзлаштирувчилардан жуфтлик ҳосил қилиш орқали фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини оширишдаги маҳорати бир неча бор туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилган. Масалан, аввалроқ аълочи қиз Мафтуна Ҳабибуллаевага бириктирилган Маржона Акбарованинг ўзи ҳам бугун фақат юқори баҳога ўқиб, паст ўзлаштирувчилардан бири билан шуғулланмоқда. Ёки "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" Қаимжон Шерқулов кимё фани лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлашдаги тажрибаси билан бутун вилоятдаги ҳамкасбларига намуна. Бундай устозлар жамоада кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг барчаси таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш орқали дарслар самарадорлигини оширишга эришишаяпти. Бунда машғулотларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, "кластер", "синквейн", "ақлий ҳужум", "инсерт" усулларида ташкил этилаётгани, айниқса, катта натижа бераётир.

Педагогик жамоанинг изланиш ва интилишлари фаолиятнинг бошқа қирраларига ҳам кенг йўл очаяпти. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ёрдамчи хўжаликнинг йўлга қўйилиши муассаса моддий-техника имкониятларини янада юксалтиришга хизмат қилаётир. Бу ердаги каттагина гилосзор, унинг ёнидаги ўрикзор ва олмазор ҳосилга кирган. Сабзавот, қулупнай, шунингдек, терак қаламчалари етиштиришдан ҳам яхшигина даромад олинаяпти. Фойда ҳисобига устоз-мураббийларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш сингари тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили чим билан қопланган мўъжазгина стадион қурилди. Бу ер ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган масканга айлантирилган. Шунингдек, ўндан ортиқ спорт секцияларида 200 дан зиёд йигит-қиз жисмоний етуклик машғулотлари билан шуғулланишаётир. Ана шундай ёшлардан бири Ғолибжон Маъруфжонов бокс бўйича бир қатор нуфузли мусобақалар ғолиби бўлди.

Туман марказидан анчагина олисда жойлашган қишлоқ мактаби педагоглари янги ўқув йилини ҳам катта ғайрат ва иштиёқ билан бошлашди. Мақсад — муваффақиятлар кўламини янада кенгайтириб, ўғил-қизларни Ватанга садоқат руҳида, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш.

**Зоҳида КЕНЖАЕВА.**

# Эзгу орзулар қанотида

*Республикамизда навқирон авлод манфаатлари йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар бир йигит-қизнинг эзгу орзу-умидлари, интилиш ва изланишлари рўёбига хизмат қилмоқда.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик тафтидан баҳра олиб, камолга етаётган ёшларимиз бугун дадиллик билан дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини исбот этаётир. Бинобарин, Президентимизнинг давлатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият қаратилгани ҳамда бу умуммиллий даражага кўтарилгани энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди.

Дарҳақиқат, юртимизда келажагимиз ворисларига яратилган имкониятларнинг қиёси йўқ. Буни жисмоний имконияти чекланган ёшлар орасида истеъдоди, маҳорати, қолаверса, қатъияти билан салмоқли ютуқларга эришаётган чинакам ирода эгалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ана шу ёшлар билан суҳбатлашсангиз, улардаги кўтаринки кайфиятдан кўнглингиз янада ёришади.

Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказида ҳунар ўрганиб, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мустақил ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган ёшларнинг сафи кенг.

Мазкур марказда фаолият кўрсатаётганимга ўн йилдан ошди. Шу вақт ичида юздан зиёд шогирдларга тикувчилик сирларини ўргатдим. Бугунги кунда улар орасида якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб, оиласига ва жамиятга нафи тегаётган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Муҳими, уларнинг эртанги кунга ишончи баланд, қадди тик, сўзида, кўзида ғайрат, ҳаётида мазмун бор.

Мана шундай кезларда қалбимдаги миннатдорлик ҳисси бундан-да ортади. Жисмоний имконияти чекланганига қарамай, барча тенгдошлари қаторида ўқиб-изланаётган, касб-ҳунар эгаллаётган, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган ёшлар тимсолида эзгуликни кўраман.

**Зуҳра АЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат маркази тикувчилик тўгараги раҳбари,**
**«Жасорат» медали соҳибаси.**

## Маданият хабарлари



# Тасвирларда юрт таранннуми

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Юртимиз ёшлари" деб номланган кўргазма намойиш этилмоқда .**

КЎРГАЗМА

Мазкур кўргазма "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар вакиллари, санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда санъат ихлосмандлари қатнашди.

Кўргазмада Бадиий ижодкорлар уюшмаси ёшлар шўъбаси аъзолари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент архитектура-қурилиш, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтлари ҳамда қатор санъатга ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари талаба-ўқувчиларининг асарлари намойиш этилмоқда.

Унинг экспозициясидан ёш мусаввир, ҳайкалтарош, фоторассом ва дизайнерларнинг 350 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Уларда мамлакатимизнинг ўзига хос манзаралари билан бирга, юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти, орзу-интилишлари акс этган. Шунингдек, Бухоро ва навоийлик ёш ҳунармандларнинг сўзаналари, тошкентлик усталарнинг нақш ҳамда ёғоч ўймакорлик буюмлари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътиборларидан миннатдормиз, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Зилола Ҳамидова. — Бугун мана шундай кўркам залларда асарларимизни намойиш қилаётганимиз ҳам ушбу ғамхўрлик туфайли. Мен ўз ижодий ишларимда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлаётгани каби Тошкентимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар, ўзига хос ландшафт дизайнига алоҳида эътибор қаратганман.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Хитой манзаралари

**Тошкент Фотосуратлар уйида "Дилрабо Сяминь" деб номланган фотокўргазма намойиши бошланди.**

«ДИЛРАБО СЯМИНЬ»

Тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан Хитойнинг Сяминь шаҳри маъмурияти кўмагида ташкил этилган бўлиб, унда турли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар ҳамда талабалар қатнашди.

Таъкидланганидек, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Буюк Ипак йўлида нафақат савдо-иқтисодий, балки ўзаро маданий алоқалар ҳам олиб борилгани, бу, ўз навбатида, икки халқ тараққиётига кучли таъсир кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон — Хитой ўртасида турли соҳаларда изчил ҳамкорлик давом этмоқда. Хусусан, хитойлик санъаткорлар анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида, кўргазмалар, биенналеларда муваффақиятли қатнашаяпти. Ўз навбатида, рассом ва ҳайкалтарошларимиз, халқ амалий санъати усталари ҳам Чин юртидаги лойиҳаларда мунтазам иштирок этиб келишади.

Кўргазмадан Сяминь шаҳрининг экобоғлари, ландшафт дизайни ҳамда меъморий обидалари акс эттирилган фотоасарлар ўрин олган.

**Моҳира АДИЗОВА.**

### Самарқандда ўтказиладиган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси олдидан

# Анжуманга ҳозирлик

*Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 1-3 октябрь кунлари Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади. Айни пайтда мазкур халқаро анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.*



Куни кеча кўҳна ва навқирон шаҳарда ушбу нуфузли тадбирга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими мутасаддиларининг таъкидлашича, кейинги йилларда вилоятда туризм соҳаси ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Хусусан, ҳудудда истиқлолнинг дастлабки йилларида бор-йўғи 2-3 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, айни пайтга келиб уларнинг сони қарийб 90 тага етди. Ўз навбатида, 70 га яқин сайёҳлик фирмаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда мазкур фирмалар вакиллари Лондон, Берлин, Мадрид, Милан, Токио, Шанхай, Сеул каби дунёнинг йирик шаҳарларида ўтказилаётган халқаро ярмаркаларда фаол қатнашиб, мамлакатимиз, чунончи, боқий шаҳарга хорижий сайёҳларни жалб қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Матбуот анжуманида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясига тайёргарлик бўйича ташкилий қўмита, мувофиқлаштирувчи штаб ва 11 кичик гуруҳ ҳамда "Ориент Стар кўк" меҳмонхонасида Матбуот хизмати штаби тузилгани маълум қилинди. Сессия мажлиси бўлиб ўтадиган Форумлар мажмуаси БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўрсатмалари асосида тадбир учун шай ҳолатга келтирилганлиги билдирилди. Бундан ташқари, Пленар йиғилиши ўтадиган залга иштирокчилар ва таржимонлар учун зарур жиҳозлар ўрнатилган. Меҳмонлар ташриф буюриши кутилаётган тарихий обидалар, диққатга сазовор масканлар ҳамда таълим муассасалари рўйхати белгилаб олинган. Шунингдек, Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари ҳамда юқори курс талабаларидан иборат гид-экскурсоводлар ва таржимонлар гуруҳи ҳам шакллантирилган.

Маълумотларга кўра, айни пайтга қадар Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ишида 30 дан ортиқ мамлакатдан 120 нафарга яқин сайёҳлик индустрияси вакиллари қатнашиши аниқ бўлган. Уларнинг 43 нафари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашига аъзо мамлакатлар, 16 нафари эса кенгашга аъзо бўлмаган давлатлар вакиллари ҳисобланади.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эълон


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 9, 14, 16 ва 21 октябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Ko'kcha tekstil» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зиё Саид кўчаси, 2-«А» уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 60 402 760 000,0 | 26 489 185,54 |
| 2. | «Poyteks» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гўрўғли кўчаси, 4-уй | Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлаш материаллари ҳамда тиббий бинтлар ишлаб чиқариш | 1 940 000 000,0 | 850 772,71 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунгача объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— **юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— **жисмоний шахслар учун** — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар аукционга қўйилаётган «Ko'kcha tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридаги, «Poyteks» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

1537R/40



WWW.XS.UZ

Избоскан тумани марказидаги "Пойтуғ" маданият ва истироҳат боғи кенгайтирилиб, 4,5 гектарга етказилди. Бу ерда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилиб, замонавий аттракционлар ўрнатилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5